



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 16 декабрь, № 263 (9158)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СУВ ҲЎЖАЛИГИДА ЭНЕРГИЯДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ РЕЖАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёевга 15 декабрь куни сув ҳўжалигида энергия самарадорлигини ошириш, илмий салоҳиятни ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишлари юзасидан ахборот берилди.

Аввало, эскирган ва энергия сарфи юқори насос агрегатларини замонавий, энергия тежамкорлига алмаштириш бўйича режалар кўриб чиқилди.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида 274 та насос станцияси мавжуд бўлиб, улар орқали 185 минг гектардан ортиқ ер майдонлари суғорилмоқда. Станциялардаги насос агрегатларининг ярмидан кўпи 1979 йилдан буён ишлаб чиқарилган ускуналардан иборат, уларнинг энергия сарфи замонавий насосларга нисбатан 2-3 баробар юқори.

Кегейли туманидаги эски агрегатлардан бири замонавий энергия тежамкорига алмаштирилганда, электр энергиясининг сарфи икки баробарга камайган. Ушбу ижобий тажрибадан келиб чиқиб, Қорақалпоғистондаги 276 та насосни босқичма-босқич замонавий энергия тежамкор агрегатларга алмаштириш режалаштирилган. Натижада йиллик 25 миллиард сўмга тенг электр энергияси иқтисод қилиниши ва лойиҳа сарф-харажатлари 14 ой ичида ўзини оқлаши таъкидланди.

Бу борада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, “Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетида эришилган натижалар ва келгусидаги режалар тўғрисида маълумот берилди.

Хозирги кунда университетда 8682 нафар талаба тахсил олмоқда, 571 нафар профессор-ўқитувчи фаолият юритмоқда, илмий салоҳият даражаси 73,5 фоизни ташкил этади.

Университет халқаро рейтингларда юқори натижаларга эришиб, “THE World University Rankings 2026” рейтингида дунё университетлари орасида 501-ўринни, Марказий Осиё ва Кавказorti мамлакатлари бўйича 2-ўринни, Ўзбекистонда 1-ўринни эгаллади, “QS World University Rankings 2026” натижаларига кўра эса 469-ўринга кўтарилди.

Ўтган йилда университет ҳудудида 200 ўринли замонавий IT маркази барпо этилди, рақамли кутубхона ва регистратор офиси фаолияти йўлга қўйилди. Университетнинг таълим йўналишлари беш йил муддатга халқаро аккредитациядан ўтказилди. Ўқув жараёнига дунёнинг “ТОП — 300” та-лигидаги университетларни битирган юр-дошларимиз ва ўзбекистон паралимпия хара-кати тарихида яна бир ёрқин саҳифа очдингиз.

Ушбу нуфузли спорт анжуманида сизларни кўп миллатли бутун халқимиз қўллаб-қувватлаб, барчангизга зафар ва омадлар тилаб турди.

Ана шундай юксак ишончни шараф билан оқлаб, 99 та олтин, 57 та кумуш, 41 та бронза медал билан умумжамоа ҳисобида Осиё қитъасида 1-ўринни эгаллаб, голиблик шохсупасига кўтарилганингиз муборак бўлсин!

Турнир давомида Ўзбекистон мадҳияси қарийб 100 марта янграгани сизларнинг Ватанимиз шухратини дунёга тараннум этишга қандай беқийёс ҳисса қўшганингиздан далолатдир.

Сизлар улкан азму шижоатингиз, букилмас ирода ва интилишингиз билан Осиёнинг миллий спорти жадал ривожланаётган Эрон, Япония, Таиланд, Индонезия каби давлатлари жамоаларини ҳам ортда қолдиришга муваффақ бўлдингиз.

Ўзбекистон Парасиёё ўйинлари тарихида бундай рекорд натижа, бундай буюк зафар илгари ҳеч қачон бўлмаган эди. Ҳеч шубҳасиз, сизлар юртимиз спортида шонли тарих ва аънаналар яратётган ёшлар, моҳир мутахассислар сифатида юксак таҳсин ва тасанноларга муносибсиз.

Бутун халқимиз, жонажон Ватанимиз сизлар билан фахрланиди. Сизлар Ўзбекистон паралим-

ЁШЛАР ЎРТАСИДА V ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ГОЛИБЛАРИ — ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

Қадрли қаҳрамон ўғил-қизларим!
Хурматли устоз-мураббийлар!
Муҳтарам ота-оналар!

Аввало, барчангизни V Ёшлар Параосиё ўйинларида эришилган улкан тарихий ғалаба билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида қитъамизнинг 35 та давлатидан келган 1 минг 500 нафардан зиёд спортчилар ўртасида бўлиб ўтган ғоят кескин беллашувларда сизлар жасорат ва матонат фазилатларини намоён этиб, мусобақаларнинг чинакам қаҳрамонларига айландингиз ва Ўзбекистон паралимпия хара-кати тарихида яна бир ёрқин саҳифа очдингиз.

Ушбу нуфузли спорт анжуманида сизларни кўп миллатли бутун халқимиз қўллаб-қувватлаб, барчангизга зафар ва омадлар тилаб турди.

Ана шундай юксак ишончни шараф билан оқлаб, 99 та олтин, 57 та кумуш, 41 та бронза медал билан умумжамоа ҳисобида Осиё қитъасида 1-ўринни эгаллаб, голиблик шохсупасига кўтарилганингиз муборак бўлсин!

Турнир давомида Ўзбекистон мадҳияси қарийб 100 марта янграгани сизларнинг Ватанимиз шухратини дунёга тараннум этишга қандай беқийёс ҳисса қўшганингиздан далолатдир.

Сизлар улкан азму шижоатингиз, букилмас ирода ва интилишингиз билан Осиёнинг миллий спорти жадал ривожланаётган Эрон, Япония, Таиланд, Индонезия каби давлатлари жамоаларини ҳам ортда қолдиришга муваффақ бўлдингиз.

Ўзбекистон Парасиёё ўйинлари тарихида бундай рекорд натижа, бундай буюк зафар илгари ҳеч қачон бўлмаган эди. Ҳеч шубҳасиз, сизлар юртимиз спортида шонли тарих ва аънаналар яратётган ёшлар, моҳир мутахассислар сифатида юксак таҳсин ва тасанноларга муносибсиз.

Бутун халқимиз, жонажон Ватанимиз сизлар билан фахрланиди. Сизлар Ўзбекистон паралим-

пия ҳаракатининг олтин авлоди, олтин вакиллари-сиз.

Бундай қаҳрамон ёшларимизга шон-шарафлар бўлсин!

Айниқса, пара пауэрлифтингчи ўғил-қизлари-миз Баҳриддин Холбўтаев, Элбек Фарҳодов, Ойшажон Ражаббоева, Рухшона Ўктамова ўз вазн тоифаларида жаҳон рекордини, Нурилло Инобиддинов, Эзоза Абдужабборова, Азизбек Пердебаев, Рухшона Ўктамова, Зиёдахон Боқижонов, Зухра Юлдашева, Гулюз Нематуллаева эса Осиё рекордини ўрнатганларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Яна бир муҳим тарихий натижа — спортчи қизларимиз Мадина Мухторова, Фароғат Мухаммадқулова, Моҳичеҳра Ибрагимова пара энгил атлетиканинг ядро ва найза улоқтириш дастурлари доирасидаги мурасасиз баҳсларда рақибларига мутлоқ имконият қолдирмасдан турган медаллар жамланмасини Ўзбекистонга олиб келдилар.

Буларнинг барчаси — сизларнинг тинимсиз меҳнатингиз, букилмас иродангиз, истеъдод ва маҳоратингиз, қолаверса, юртимизда инсон қадрини амалда таъминлашга қаратилган тизимли ишларимиз натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сизлар эришган улкан зафар Янги Ўзбекистон ёшлари қандай катта марраларни эгаллашга қодир эканини амалда яна бир бор кўрсатгани билан ҳам ғоят аҳамиятлидир. Бу ғалаба, ҳеч шубҳасиз, минглаб ёшларимизга ғурур ва ифтихор, интилиш ва илҳом манбаи, катта тажриба мактаби бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни мана шундай баҳодир, довурак ва паҳлавон фарзандлар этиб тарбиялаган, эзгу интилишларингизни доимо қўллаб-қувватлаб келаётган ота-оналарингиз, моҳир ва жонкуяр мураббийларингизга, барча

муҳлисларингизга чин дилдан миннатдорлик изхор этаман.

Азиз спортчи ўғил-қизларим,
Қадрли мураббийлар!

Хабарингиз бор, яқинда мамлакатимизда Паралимпия ҳаракатини янада ривожлантириш бўйича махсус қарор қабул қилдик.

Ишончим комил, ушбу қарор сизларнинг келгуси фаолиятингиз учун қўшимча равишда янги шароит ва имкониятлар яратиш, спорт оламидаги ютуқларингиз салмоғини янада оширишга хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳати — сўнгги йилларда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигини тузиб, алоҳида Адаптив спорт турлари ассоциацияси фаолиятини йўлга қўйдик.

Шунингдек, ушбу тизимда Матонат мактаби ҳамда соҳада мутахассислар тайёрлаш бўйича институт ташкил қилдик.

Натижада адаптив спорт турларидаги йўналишлар сони 89 тага етказилиб, юртимиз маҳаллаларида ушбу спорт турлари билан доимий шугулланувчилар сони 45 мингдан ошди.

Юртимизда инклюзив жамият барпо этиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашувини таъминлашга қаратилган ислохотларимиз албатта изчил давом эттирилади.

Ватанимизга юксак меҳри ва садоқати, мустаҳкам ирода ва матонати билан миллионлаб фарзандларимизга ўрнак бўлаётган сизлардек қаҳрамон ўғил-қизларини Ёшлар ўртасидаги Парасиёё ўйинларида қўлга киритган тарихий ғалабангиз билан яна бир бор чин қалбимдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, келгуси фаолиятингизда улкан омад ва зафарлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

КАПИТАЛ БОЗОРИ ВА БАНК СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР МОЛИЯЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев капитал бозорини янада ривожлантириш ҳамда банк соҳасида халқаро стандартларни жорий этишни жадаллаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда муомаладаги қимматли қоғозларнинг бозор қиймати 275 триллион сўмини ташкил этиб, биржада эркин муомаладаги қимматли қоғозлар ҳажми 4 триллион сўмга етди, бозорда 717 та эмитент ва 77 та профессионал иштирокчи фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга, капитал бозорининг капиталлашув ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 20 фоизни ташкил этиб, жаҳон кўрсаткичларидан анча паст экани, мазкур соҳада ҳали катта салоҳият мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан маҳаллий капитал бозорига камида 1 миллиард доллар инвестиция жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Жумладан, маҳаллий ва хорижий фонд биржаларида халқаро стандартлар асосида қимматли қоғозларни joyлаштириш — “дуал листинг” амалиётига рўхсат бериш, шунингдек, валюта облигациялари, глобал депозитар тилхатлар, хорижий қимматли қоғозлар ҳамда биржа инвестиция фондлари каби янги молиявий инструментларни жорий этиш режалаштирилган.

Тақдимотда “тартибга солиш қумдони” ҳуқуқий режими кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу механизм доирасида қумдон шартларини нафақат норезидентлар, балки резидентлар учун ҳам татбиқ этиш, хорижий инвесторлар учун муддатсиз амал қилишни белгилаш, шунингдек, чет эл компанияларининг акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлар билан савдо қилишга рўхсат бериш тақкид қилинди. Бу хорижий қимматли қоғозларнинг норасмий савдосини қисқартиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Маҳаллий инвесторларни капитал бозорига фаол жалб этиш бўйича тақлифлар кўриб чиқилди.

Бунда маҳаллий компания ва банкларга Тошкент фонд биржасида хорижий валютада облигациялар чиқаришга рўхсат бериш орқали ташки бозорга чиқмасдан туриб валюта маблағларини жалб қилиш имкониятлари яратилиши қайд этилди.

Ў.А.

ЎЗБЕК СПОРТИ ТАРИХИДА ЯНА БИР ЁРҚИН САҲИФА

Ёшлар ўртасида V Параосиё ўйинларида мамлакатимиз делегацияси умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллаб, голиблик шохсупасига кўтарилди

Ифтихор

2025 йил мамлакатимиз спорти тарихида унутилмас ғалабаларга бой, ғоят самарали йил бўлди, десак, асло муболага эмас. Жумладан, спортчиларимиз томонидан Олимпия ва паралимпия йўналишидаги 50 дан зиёд жаҳон ва қитъа чемпионатларида 700 га яқин медаллар шодаси қўлга киритилгани сўзимизга яққол исбот бўла олади.

Жорий йилнинг 7 — 14 декабрь кунлари Бирлашган Араб Амирликлари мезбонлик қилган Ёшлар ўртасида V Параосиё ўйинларида атлетларимиз яна бир бор жасорат, матонат, мардлик ҳамда юртга садоқат намунасини кўрсатиб, Ватанимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Қитъамизнинг 35 давлатидан 1 500 нафардан зиёд ёш параспортчилар қатнашган мурасасиз баҳсларда ҳамюртларимиз жами 197 та — 99 та олтин, 57 та кумуш ва 41 та бронза медалига эгалик қилган ҳолда умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллагани Янги Ўзбекистон ёшларининг салоҳиятини яна бир бор яққол намоён этди.

Пойтахтимиздаги Олимпия шаҳарчасида Ёшлар ўртасида V Параосиё ўйинларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ёш пара спортчилар ва уларнинг мураббийларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда сенатор ва депутатлар, спорт, олимпия, паралимпия, ижтимоий ҳимоя соҳалари мутасад-



дилари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Ёшлар ўртасида V Параосиё ўйинлари голиблари — Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларига табригини Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўқиб эшиттирди.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

ЎЗБЕК СПОРТИ ТАРИХИДА ЯНА БИР ЁРҚИН САҲИФА

Мамлакатимиз Парасиё ўйинлари тарихида бундай рекорд натижа, бундай буюк зафар илгари ҳеч қачон бўлмаган эди.

Турнир давомида Ўзбекистон мадҳияси қарийб 100 марта янрагани ёш параспортчиларимизнинг Ватанимиз шухратини дунёга тараннум этишга қандай бекиёс ҳисса қўшганидан далолатдир.

Улар улкан азму шижоати, букилмас ирода ва интилиши билан Осиёнинг миллий спорти жадал ривожланаётган Эрон, Япония, Таиланд, Индонезия каби давлатлари жамоаларини ҳам ортда қолдиришга муваффақ бўлди.

Табрикда музаффар спортчиларимиз Ўзбекистон паралимпия ҳаракатининг олтин авлоди, олтин вакиллари сифатида эътироф этилди.

Бу беҳиз эмас, албатта. Бинобарин, мусобақа давомида пара пауэрлифтингчи ўғил-қизларимиз — Бахриддин Холбўтаев, Элбек Фарходов, Ойшахон Ражаббоева, Рухона Ўктамова ўз вазн тоифаларида жаҳон рекордини, Нурилло Инобидинов, Эзоза Абдужабборовва, Азизбек Пердбеаев, Рухона Ўктамова, Зиёдаҳон Бокижонова, Зухра Юлдашева, Гулюз Нематуллаева эса Осиё рекордини ўрнатди.

Спортчи қизларимиз — Мадина Мухторова, Фароғат Муҳаммадқулова, Моҳичехра Ибрагимова пара енгил атлетиканинг ядро ва найза улоқтириш дастурлари доирасидаги мурасасиз баҳсларда рақиблирига мутлақо имконият қолдирмасдан бутун медаллар жамламасини Ўзбекистонга олиб келди.

Буларнинг барчаси ёш атлетларимизнинг тинимсиз меҳнати, букилмас иродаси, истеъдод ва маҳорати, қолаверса, юртимизда спортни ривожлантириш, спорт кадрини амалда таъминлашга қаратилган тизимли ишларнинг натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чунонки, кейинги йилларда Ўзбекистон довуғини дунёга танитишда матонат кўрсатиб келаётган параспортчиларни қадрлаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш борасида давлатимиз томонидан мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди.

Президентимизнинг 2021 йил 18 майдаги “Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳани тизимли тараққий эттириш, бу борада амалга оширилаётган давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишда дастуриламал бўлди.

Давлатимиз раҳбари Токиода бўлиб ўтган Паралимпия ўйинларида муносиб иштирок этган спорт-

чилар билан учрашувда параспорт бўйича юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийларни кенг жалб этган ҳолда Матонат мактабини ташкил қилиш ташаббусини илгари сурганди.

Тақдир синовларига мардона бардош бериб, сабр-тоқат ва шукроналик руҳи билан, ҳаётда ўз муносиб ўрнини топиб, керак бўлса, Ватанимиз шаънини улуғлашда жасорат кўрсатаётган параспортчилар ҳақиқий матонат ва ҳақрамонлик намунаси эканлигини таъкидлаганди.

Ушбу ташббуснинг амалий рўёби сифатида давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 6 июндаги қарори билан паралимпиячиларнинг Матонат мактабига асос солинди. Бу нафақат параспортни янада ривожлантиришга, балки мамлакатимиз довуғини дунёга танитиш борасида ёшларнинг қўлга киритган ютуқларини, уларнинг ибратли ҳаёт тарзини тарғиб қилиш орқали мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Яна бир муҳим жиҳат: сўнгги йилларда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тузилиб, алоҳида Адаптив спорт турлари ассоциацияси фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, ушбу соҳада мутахассислар тайёрлаш бўйича институт иш олиб бормоқда.

Натижада адаптив спорт турларидаги йўналишлар сони 89 тага етказилиб, юртимиз маҳаллаларида ушбу спорт турлари билан доимий шугулланувчилар сони 45 мингдан ошди.

Мамлакатимизда инклюзив жамият барпо қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашувини таъминлашга қаратилган ислохотлар, албатта, изчил давом эттирилади. Демак, галабалар ҳам бардавом бўлади.

Ёшлар ўртасида V Парасиё ўйинларида Янги Ўзбекистон ёшлари қандай катта марраларни эгаллашга қодир эканини амалда яна бир бор кўрсатди. Бу галаба, ҳеч шубҳасиз, минглаб ёшларимизга ифтихор, интилиш ва илҳом манбаи, катта таъриб мактаби бўлиб хизмат қилади.

Тантанали анжуманда янраган дилбар куй-қўшиқлар йилгиланларга байрамона кайфият улашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг спорт бўйича вакили Одил Абдурахмонов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори Мансур Оллоёров иштирок этди.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ВАҚТ ИЗМИГА БЎЙСУНМАС АБАДИЙ ҒОЯ

“Ўзбекистон: учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” номли китоб қўлимга тегиши биланок уни ҳафсала билан ўқишга тутиндим. Асарнинг дебючасиёк унинг самимий, теран ва холисона мезонлар асосида ёзилганини кўрсатди. Уни ўқиш асносида кўнглимда пайдо бўлган ҳаяжон ва фаҳр ҳисларини таърифлаб бериш қийин. Чунки биз ҳар қуни гувоҳ бўлаётган, баъзан одатий ҳолдек қабул қилаётган улкан ўзгариш ва янгиланишлар муаллиф томонидан теран мушоҳада, самимият ҳамда чуқур фалсафий ёндашув билан ёритилган.

Муносабат

Муаллиф Ўзбекистондаги ислохотларни замонавий сиёсий жараёнлар билан чеklang қўймайди. У учинчи Ренессанс ғоясининг илдизларини Имом Бухорий, Имом Термизий, Мирзо Улуғбек каби буюк алломалар яшаб ижод қилган юртининг кўп асрлик маънавий, илмий ва маданий мероси билан боғлайди. Унинг фикрича, бугунги тараққиёт тасодифий эмас, балки бой маънавий илдизга эга тарихий жараёндир. Янги Ўзбекистон ана шу маънавий бўлоқдан куч олган ҳолда глобал закириқларга замонавий ечим таклиф этиб келмоқда.

Китобни ўқиш жараёнида Муҳаммад Аббос Хоннинг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев шахсиятидаги инсон-

парварлик фазилатларига берилган урғу мени чуқур таъсирлантирди. Кейинги тўққиз йилни сархисоб этсак, мамлакатимизда қабул қилинган ҳар бир қарор, ҳар бир Фармонда фақат ва фақат одамларни ўйлаб, аҳолига қулайлик ҳамда янада кўп енгилликлар яратиш мақсади мужассамлигини яна бир бор англадим. Бу ислохотлар бутун моҳияти билан “инсон қадр”и деган улуг ғояга асосланган. Асарнинг яна чуқур таассурот қолдирган жиҳатларидан бири ундаги таникли сиёсатчи ва давлат арбоби, Покистон Бош вазири жаноб Муҳаммад Шаҳбоз Шарифнинг самимий сўзлари ва мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳақидаги фикрлари бўлди.

“Мазкур китоб қадрдон дўстим, Жаноби Олийлари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Ўзбекистонда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ташаббусини, унинг ғоявий концепциясини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Ўзбек халқининг буюк аждодлари маънавий меросига таянган ҳолда бу улугвор ғоя бутун башариятнинг фаровон келажагига хизмат қилиши шубҳасиздир”, дея таъкидлайди у.

Умуман, бу асар юртимиздаги ислохотлар ҳақида атрофлича тасаввур беради, Президентимиз томонидан илгари сурилган учинчи Ренессанс ғоясининг моҳияти умуминсоний тараққиётга қаратилган очик, маърифий ва инсон қадрини устувор қўйган сиёсат билан чамбарчас боғлиқ. Китоб муаллифи бу ғоянинг илдизларини ўтмиш мероси, айниқса, аждодларимиз қолдирган улкан маънавий бойлик билан уйғун ҳолда талқин қилгани ўқувчида чуқур ҳурмат уйғотади.

Асарнинг номидан ҳам билиниб турибдики, у кейинги минг йиллик давомида бутун дунёга маърифат, зиё улашган, IX — XIII ва

XIV-XV асрларда бўлиб ўтган икки Уйғониш даврининг мантикий давоми бўлган учинчи Ренессанс ва унинг юртимизда яратилган мустақам пойдевори ҳақида. Муаллифнинг ўзи ҳам бунни шундай ифодалайди: “Учинчи Ренессанс ғояси — вақт измига бўйсунмас абадий ғоядир. Менинг наздимда, мазкур ғоя инсон тафаккурининг бемисл уммонига қуйилувчи қудратли дарёга ўхшайди. Фикримча, бу ғоя нафақат Ўзбекистон келажаги учун асос, балки янги, янада уйғун ва самарали дунёни шакллантиришнинг инновацион модели ҳамдир”.

Бу китобнинг аҳамияти шундаки, у учинчи Ренессанс ғоясини фақат ички сиёсий тушуна доирасида қолдирмай, уни халқаро миқёсда тушунтириш ва тарғиб этиш воситасига айлантиради. Хорижлик ёзувчининг холис назари билан ёзилган асар Ўзбекистоннинг ислохот йўлини ўзи учун ривожланиш модели сифатида қабул қилаётган бошқа мамлакатлар учун ҳам қизиқиш уйғотиши мумкин.

Кобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

КЎЛАМИ КЕНГ ЎЗГАРИШЛАРГА ХОЛИС НАЗАР

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтган покистонлик журналист ва ёзувчи Муҳаммад Аббос Хоннинг “Ўзбекистон: учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” номли китобининг янгидаги наشري тақдироти нафақат адабий учрашув, балки икки қардош халқни янада яқинлаштирган муҳим воқеага айланди.

Ушбу асар халқимиз учун жуда қимматли бўлиб, муаллиф уни бошқа таҳлиллардан фарқли равишда ўзининг кузатувлари, шахсий мулоҳазалари ва таърибаси асосида ёзган. Китоб саҳифаларида бугунги Ўзбекистон қиёфаси — очиклиққа интилаётган, янгиланишни бошдан кечираётган, инсон қадрини энг олий қадрият сифатида белгиллагани аниқ этган.

Китобни айни вақтда тарихий даврнинг бадиий-публицистик акси, Президентимизнинг давлатни стратегик бошқариш салоҳиятига бағишланган монументал дoston сифатида қўришимиз мумкин.

Муаллиф учинчи Ренессанс ғоясини кенг таҳлил қилади. Унга қўра, бу ғоя ўтмишнинг буюк илмий-маънавий меросини замонавий тараққиёт билан уйғунлаштиришга қаратилган улкан концепциядир. Бугунги Ўзбекистонда илм-фан, таълим, инновация, маданият ва ин-

сонпарварлик тамойиллари айнан шу руҳда ривожланмоқда.

Покистонлик ёзувчи асарида яна бир муҳим жиҳатга — икки мамлакат ўртасидаги тарихий боғлиқликка эътибор қаратади. Марказий ва Жанубий Осиёни бирлаштирган Буюк Ипак йўли, Бобур мероси, икки халқнинг маънавий ақинлиги, буларнинг барчаси бугунги ҳамкорлик учун мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Китобда юртимиздаги кенг қамровли ислохотлар ҳақида ҳам пухта таҳлиллар берилган: иқтисодиёт ҳажмининг икки баробарга ўсиши, экспорт ва инвестицияларнинг сезиларли ошиши, янги корхоналар, таълим ва маданият соҳаларидаги улкан имкониятлар, инсон манфатларини марказга қўйган давлат сиёсати. Ёзувчининг фикрича, бу жараёнлар нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақадаги барқарор тараққиёт учун муҳим намунадир.

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАГИ МУШТАРАК ИНТИЛИШЛАР

Шу кунларда Туркменистон мамлакат Конституциясида мустақамланган ҳамда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан тан олинган доимий бетарафлик мақомининг 30 йиллигини нишонламоқда. Туркменистон учун бу мақом таққи сиёсатнинг асоси бўлиб, барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиқни кенгайтиришга хизмат қилади. Туркменистон ташаббуси билан БМТнинг “2025 йил — Халқаро тинчлик ва ишонч йили” резолюциясининг бир овоздан қабул қилиниши расмий Ашхобод тинчликпарвар сиёсати тан олинганлигининг ёрқин тасдиғи бўлди.

Акс садо

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги муносабатлар сўнгги йилларда кенг қамровли стратегик шериклик мақомига кўтарилди. Бунда давлат раҳбарлари даражасидаги мулоқотлар ва амалий келишувлар муҳим ўрин тутмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ашхободда Туркменистон доимий бетарафлигининг 30 йиллиги, Халқаро бетарафлик кунини ҳамда “Халқаро тинчлик ва ишонч йили”га бағишланган форумдаги иштироки ва нутқи, ушбу мамлакат раҳбарияти билан олиб борилган икки томонлама музокаралар икки қардош давлат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларининг изчиллигини, тинчлик ва ҳарфақарорлиқни мустақамлаш борасидаги умумий қарашларни яққол кўрсатиб берди.

Ўзбек — туркман муносабатлари ҳақида гапирар эканмиз, мамлакатларимизни умумий тарих, маданият ва маънавий қадриятлар, тил, анъаналар ва урф-одатлари яқинлиги боғлаб туришини таъкидлаш лозим. Ўзбекистон ва Туркменистон нафақат яхши қўшнилари, балки халқаро майдонда ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама форматда бир-бирини изчил қўллаб-қувватлаб келаётган стратегик ҳамкорлардир.

матлараро комиссия ййгилишлари, Иш-билармонлар кенгаши, Худудлар форуми, маданият кунлари, кўргазмалар ва бошқа тадбирлар мунтазам равишда ўтказилаётгани эътиборга молик.

Икки томонлама муносабатларда иқтисодий жиҳатга устувор аҳамият берилмоқда. Ўтган йили ўзаро товар айланмаси 1,1 млрд. долларни ташкил этди. Жорий йилнинг 8 ойида эса бу кўрсаткич қарийб 700 млн. долларга етди. Саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

“Икки томонлама муносабатларда иқтисодий жиҳатга устувор аҳамият берилмоқда. Ўтган йили ўзаро товар айланмаси 1,1 млрд. долларни ташкил этди. Жорий йилнинг 8 ойида эса бу кўрсаткич қарийб 700 млн. долларга етди. Саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Пойтахтларда савдо уйлари очилган, юк ташиш ҳажмлари ошмоқда. Яқин йилларда савдо кўрсаткичини 2 млрд. долларга етказиш вазифаси қўйилган.”

Пойтахтларда савдо уйлари очилган, юк ташиш ҳажмлари ошмоқда. Яқин йилларда савдо кўрсаткичини 2 млрд. долларга етказиш вазифаси қўйилган. Бу мақсадга эришиш учун “Шовот — Тошхувуз” чегараолди савдо зонасининг ишга туширилиши муҳим восита бўлади. Шунингдек, икки мамлакатнинг барча вилоятлари иштирокида навбатдаги форумни Хива шаҳрида ўтказиш юзасидан келишувга эришилди. Энергетика соҳасида ҳамкорлиқни янада

чуқурлаштириш, электр энергияси транс-мити бўйича ҳамкорлиқни кенгайтириш ва истиқболли конларни биргаликда ўзлаштиришга келишиб олинди.

Транспорт ва логистика соҳасида юк ташиш ҳажмини ошириш, Туркманбози портини биргаликда ривожлантириш ва пойтахтлар ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни қайта тиклаш борасидаги келишувлар Ўзбекистонга экспорт йўналишларини диверсификация қилиш учун қўшимча имкониятлар беради. Саноат кооперациясининг ёрқин мисоли сифатида “Туркменистон-Моторс” ва “Ўзавтосаноат” ўрта-

сида автомобиль ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этиш лойиҳаси алоҳида ўрин эгаллади. Турли санъат фестиваллари, маданият тадбирлари, таълим ва педагогик алмашинувларнинг ҳар икки ўлкада ҳам йўлга қўйилгани икки давлат аҳолиси ўртасида маданий ақинлик ва ўзаро тушунишни янада кучайтирмоқда. Бундай ташаббуслар нафақат халқлар ўртасида дўстлик ифодаси, балки уларнинг тарихий ва маънавий меросини



асраш, ривожлантириш ҳамда келажақ авлодларга етказишда муҳим аҳамият касб этади. Жорий йил октябрь ойи охирида Ўзбекистонда Туркменистон маданият кунлари ўтказилди. Шунингдек, таълим соҳасида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўтган ўқув йилида Ўзбекистон таълим муассасаларида Туркменистоннинг 1500 дан ортиқ фуқаролари тахсил олган. Шунини ҳам таъкидлаш кераки, Ўзбекистондаги туркман диаспораси 200 мингдан зиёд кишиларни ташкил этади. Мамлакатимизда туркман тили, маданияти ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган.

Давлатимиз раҳбари қайси минтақавий ёки халқаро анжуман бўлмасин, сермахсул ва жозибдор таклиф ва ташаббусларни илгари суради. Ашхобод форумида ҳам шундай бўлди. Давлатимиз раҳбари туркман халқининг замонавий ўзига хослигининг ажралмас қисмига айланган бетарафлик сиёсати унинг чуқур тарихий анъаналари, олий-жаноблик, бағрикенглик ва яхши қўшнчилик каби эзгу фазилатларига таянишини алоҳида қайд этиб, Туркменистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлиқта Тинчлик ва бетарафлик университетини

ташкил этиш бўйича ташаббуси Ўзбекистон томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланишини маълум қилди. Ўзбекистон 2027 — 2029 йилларга мўжалланган Қўшилмаслик ҳаракатидаги бўлажақ раислиги даврида тинчлик ва эъравонликдан холилик маданиятини қўллаб-қувватлаш бўйича глобал ҳаракатни рағбатлантириш, сиёсий мулоқот асосида давлатлар ўртасида ишончни мустақамлаш, жаҳонда баргикенглик, ҳамжихатлик ва бирдамлик муҳитини қарор топтиришга қўмаклашишни бош устувор йўналишлар сифатида белгилаш таъкидланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ашхободдаги нутқи ва эришилган стратегик келишувлар Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларининг сиёсий, иқтисодий ва гуманитар жиҳатдан юксак даражада эканлигини тасдиқлади. Бу муносабатлар нафақат икки давлатнинг ўзаро тараққиёти, балки бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва фаровонлиқни таъминлашга ва хизмат қилувчи муҳим омил бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг изчил ўсиши, транспорт ва логистика йўналишидаги янги имкониятлар, маданий-гуманитар алмашинувларнинг фаоллиги ўзаро манфаатли муносабатларнинг барқарор асосга эга эканлигини кўрсатмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлиги нафақат икки давлат ривожига, балки бутун минтақада тинчлик, барқарорлик ва фаровонлиқни мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОВ,
Наманган давлат университети ректори, тарих фанлари доктори, профессор.

2026 йил 1 мартдан тадбиркорлик фаолиятига оид давлат хизматлари ва айрим хусусий хизматларни тадбиркорларга «Ягона дарча» тамойили асосида кўрсатиш бўйича «Бизнес ҳамроҳ» лойиҳаси амалга оширилади.

ҚИРҒИЗ ЗАМИНИДА
НАВОИЙ СИЙМОСИ

Ўш шаҳрида буюк ўзбек шоири,
мутафаккир ва давлат арбоби
Алишер Навоий ҳайкали ва унинг
номи билан аталган шоҳқўчанинг
очилиш маросими бўлиб ўтди.

Эътироф



Ушбу маросимда қатнашиш учун Ўзбекистон маданияти вазири Озодбек Назарбеков бошчилигида Андижон вилояти ҳокимлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети вакиллари ҳамда мамлакатимиз элчиси Саидкром Ниёзхўжаев Ўш шаҳрига амалий ташриф билан боришди.

Ўзбекистонлик меҳмонларни қирғиз — ўзбек давлат чегарасидаги “Достук” чегара-ўтиш пунктида Қирғизистон маданияти, ахборот ва ёшлар сиёсати вазири ўринбосари Асқарали Мадамин

нов, Президентнинг Ўш вилоятидаги ваколатли вакилининг 1-ўринбосари Ильёз Ташбаев, Ўш шаҳар мэри Женишбек Токторбаев ва бошқа расмий кишилар қутиб олди.

Алишер Навоий шоҳқўчани ва ҳайкалнинг очилиш маросимда Қирғизистон Президентининг Ўш вилоятидаги ваколатли вакили Аманкан Кенжебаев бошчилигида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Ўзбекистон делегацияси ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбир Алишер Навоий ҳайкалини очиб ва унинг пойига гул қўйиш маросими билан бошланди. Шундан сўнг иштирокчилар эътиборига ўзбек ва қирғиз санъаткорлари томонидан тайёрланган, Алишер Навоий ижодини акс эттирувчи сахна кўринишлари ва унинг ғазалларига басталанган қўшиқлардан иборат концерт дастури тақдим қилинди.

Ўш вилояти раҳбари ўз нутқида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги дўстлик алоқалари ва стратегик ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлади. Алишер Навоийнинг маънавий мероси ўзбек ва қирғиз халқларини бирлаштирувчи муҳим қадрият ҳисобланади. Ўш шаҳрида унинг ҳайкали ўрнатилиши мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг ёрқин тимсолидир.

Тадбир Ташқи ишлар вазирлигининг жанубий вилоятлардаги ваколатхонасида давом эттирилиб, ўзбек — қирғиз делегациялари ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари муҳокама қилинди. Мулоқот чоғида сўнгги йилларда икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳадал ривожига ҳамда эришилган муҳим ютуқлар ҳақида тўхталиб ўтилди. Томонлар ўзаро алоқаларни янада чуқурлаштириш, биргаликда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва тажриба алмашиш ҳақида келишиб олди.

Учрашувда Ўзбекистон Президентининг ўзбек ва қирғиз халқлари орасидаги азалий дўстлик ва тотувликни мустақамлаш ишларига қўшган салмоқли хиссаси учун Ўш шаҳри мэри Женишбек Токторбаевни “Дўстлик” ордени билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармони ўқиб эшиттирилди. Ушбу мукофотни Ўзбекистон маданияти вазири Озодбек Назарбеков тантанали равишда топширди.

Ж. Токторбаев камтарона фаолиятига берилган юксак баҳо учун Ўзбекистон Президенти ва ўзбек халқига ўзининг чуқур ҳурматиини изхор этиб, ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги тарихий биродарлик алоқаларини ҳамда ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада мустақамлаш ва ривожлантириш йўлида бор кучини сарфлашини таъкидлади.

Ўз навбатида, Озодбек Назарбеков Алишер Навоий шоҳқўчанини таъмирлаш ва ҳайкални ўрнатиш лойиҳасини амалга ошириш ҳамда бугунги тадбирни ташкил этишда жонбозлик кўрсатган ташкилотчиларга Ўзбекистон номидан самимий миннатдорлик билдирди.

Тадбир давомида элчи Саидкром Ниёзхўжаев “Дестинация Ўш” туризм корхоналари жамоат бирлашмаси раиси Абдуқодир Алиевага “Ўзбекистон туризм брендининг Қирғизистондаги элчиси” сертификатини тантанали равишда топширди.

«Дунё» АА.
Ўш

«Марказий Осиё — Япония» саммити:

УМУМИЙ МАҚСАДЛАРНИ БИРГАЛИКДА
АМАЛГА ОШИРИШ ИМКОНИАТИ

Токио шаҳри 19-20 декабрь кунлари “Марказий Осиё — Япония” саммитини қабул қилишга тайёрланмоқда. Япония Бош вазири Санаэ Такаичи бу учрашувга катта умид боғлаган. Хусусан, ноёб металллар, уран, газ ва бошқа ресурсларга бой минтақа билан алоқаларни чуқурлатириш, иқтисодий хавфсизликни мустақамлаш ҳамда декarbonизация технологияларидан тортиб, инфратузилма қурилишгача бўлган турли

Нуктаи назар

Яқин ҳамкорлик
узилишларга
барҳам беради

Айтиш жоизки, Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик Японияга фойдали қазилмалар манбаларини диверсификация қилиш ва етакзиб бериш занжирларидаги узилишларнинг олдини олиш имконини беради.

Япониянинг Марказий Осиёдаги таъсири иқтисодий ҳамкорлик, инфратузилмани ривожлантиришдаги кўмак ва “инсон хавфсизлиги” концепциясига асосланган. Ушбу давлат сифатли инфратузилма, технологиялар трансфери соҳасидаги шериклики рағбатлантиради, инсон капиталини ривожлантириш соҳаларида кўмак кўрсатади, шунингдек, минтақада ишончли муносабатларни ўрнатишга интилади.

Япония минтақада анчадан буюн яхши обрўга ва илгари инновациялар ҳамда инсон капиталига ҳисобида кучли технологик сакрашга эришган давлатнинг ижобий имижига эга. Колаверса, бу давлатнинг айрим йирик мамлакатлардан фаркли ўлароқ, Марказий Осиё минтақасида “буюк давлатчилик” геосиёсий амбициялари йўқ. Буларнинг барчаси таълим, илмий, ахборот ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда “юмшоқ куч”ни амалга ошириш учун яхши асос яратяди.

Бундан ташқари, Япония икки томонлама муносабатларни қуришдан ташқари, кўплаб ички муаммоларни — экологийдан тортиб сув ресурсларигага биргаликда ҳал этиш учун Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида минтақавий ҳамкорлиқни фаоллаштиришга доим кўпроқ қизиқиш билдирган. Марказий Осиё давлатлари жаҳон иқтисодий жараёнларининг ҳомашё периферия зонасида қолиб кетмаслик учун минтақавий кооперацияни кучайтириши кераклиги анчадан буюн равшан.

Марказий Осиёда турли соҳаларда яқинроқ ҳамкорликни қайта жонланатиришга умид пайдо

соҳаларда ҳамкорлиқни кенгайтириш имконияти кўриб чиқилади. Саммит доирасида Япония ҳукумати раҳбари Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари билан икки томонлама музокаралар ҳам ўтказяди.

Япония оммавий ахборот воситалари хабар беришича, олдинда турган тарихий саммит ортида чуқур геополитик манфаатлар ётибди. Токиодаги учрашув бир неча асосий йўналишларни белгилаб берадиган муҳим воқеа бўлади. Бу минтақада Япония иштирокини кучайтиришга хизмат қилади.

Долзарблиги ошаётган
ташаббус

Марказий Осиё мамлакатларида ҳомашёга йўналганликдан воз кечиш учун юқори технологиялар ва билимларга эга бўлиш зарур. Қолаверса, 2016 йилдаёқ Япония “илғор муҳандислик таълими тажрибаси асосида Марказий Осиёда саноат инсон ресурсларини ривожлантириш” лойиҳасини амалга оширишга кўмаклашишга тайёрлигини билдирган эди.

Мазкур ташаббуснинг долзарблиги ҳозирда янада ошган. Агар Марказий Осиё давлатлари очилган имкониятлар ойнасидан фойдаланиб, ўзларининг ҳомашёга асосланган иқтисодиётларини сўзда эмас, балки амалда юқори қўшим



Шу билан бирга, Япония Марказий Осиё давлатлари билан ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият беради. Бу минтақани Япониянинг 2023 йилги “Дипломатия бўйича мовий китоби”га мамлакат ташқи сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида киритилгани, шунингдек, яқинлашиб келаётган “Марказий Осиё — Япония” саммити билан тасдиқланади.

Марказий Осиё давлатлари эса, ўз навбатида, Японияга минтақада

“Япония Марказий Осиё давлатлари билан ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият беради. Бу минтақани Япониянинг 2023 йилги “Дипломатия бўйича мовий китоби”га мамлакат ташқи сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида киритилгани, шунингдек, яқинлашиб келаётган “Марказий Осиё — Япония” саммити билан тасдиқланади.

ча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда инсон капиталининг ўсиши ҳисобида қайта курс, қўтилган натижаларни беради.

Иш сифатини яхшилаш нуктаи назаридан олиб қараганда, японча бизнес юритиш таъминлашларидан бири шуни кўрсатадики, бизнеснинг ҳозир қаерда эканлиги эмас, балки у қайси йўналишда ҳаракатланаётгани муҳим. Ва бу йўналишда сунъий равишда яратилган тўсиқлар қанча кам бўлса, Марказий Осиёда “япон сакураси гуллаши” учун имкониятлар шунча кўп бўлади.

барқарорлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга салмоқли хисса қўшаётган стратегик муҳим ҳамкор сифатида қарайди. Бу позиция бир қатор асосий омиллар билан изоҳланади. Жумладан, минтақа давлатлари мустақиллигининг илк кўнларидан бошлаб Япония инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш доирасида ва ОЭСР, ЕТББ, ОТБ каби халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий тузилмаларда самарали ҳамкорлик қилиш орқали Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётини ривожлантиришда кўлабқувватлаб келмоқда.

РАҒБАТ — КУЧ ВА ШИЖОАТ МАНБАИ

Пойтахтимизда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан халқаро ва минтақавий фан олимпиадалари ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда маориф соҳаси фидойилари, устозлар, ўқувчи-ёшлар қатнашди.

Таълим

Тадбирда таълимга қаратилаётган эътибор ўзининг амалий натижаларини намоеъ қилаётгани, жумладан, ўқувчиларимизнинг бу йил халқаро фан олимпиадаларида эришган ютуқлари аввалги йиллардагига нисбатан 14 баробар кўплиги эътироф этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида таълим соҳасида олиб борилаётган шиддатли янгиланиш жараёнлари мамлакатимиз тараққиёти мисли кўрилмаган тарзда илгариллашяда асосий омил бўлмоқда.

2025 йилда Ўзбекистон ўқувчилари 29 та халқаро олимпиадада шараф билан қатнашиб, 40 та олтин, 78 та кумуш, 92 та бронза, жами 210 та медални кўлга киритди.

Бу мамлакатимиз ўқувчилари томонидан фан олимпиадалари тарихида мисли кўрилмаган натижа ҳисобланиб, иқтидорли ёшларимиз халқаро фан олимпиадаларида 2020 йилда 25 та, 2021 йил — 45, 2022 йил — 41, 2023 йил — 96, 2024 йилда 128 та медалга лойиқ қўрилганди.

Бундай юксак натижа Президентимиз томонидан мамлакатимизда таълимни юксалтиришга берилаётган эътибор меваси, шу билан бирга, фан олимпиадасида ўқувчиларнинг иштирок этишига оид мутлақо янгича тизим самарасидир.

Бу йилги ютуқларнинг ўзига хосли-



ги ёшларимизнинг фан олимпиадаларининг янги-янги чўққиларини забт этаётганидир. Жумладан, Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган Халқаро кимё олимпиадасида 2 та олтин, Боливияда ўтган Халқаро информатика олимпиадасида илк кумуш медал кўлга киритилди. Шунингдек, юртимиз ўқувчилари илк бор Европа қизлар математика олимпиадасида қатнашди ва 3 та медалга сазовор бўлди.

Жорий йилда ёшларимиз “Ўз уйингда деворлар ҳам кўллайди” деган нақлнинг амалий исботини яна бир қарра намоеъ этди. Гап шундаки, ўқувчиларимиз Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ал-Хоразмий номидаги Халқаро математика ва информатика олимпиадаларида 50 та, Абу Райҳон Беруний номидаги Халқаро кимё олимпиадасида 19 та медалга эга қикди.

Бирлашган Араб Амирликлари, Австралия, Боливия, Франция, Йордания, Таиланд, Озарбайжон ва бошқа

давлатларда бўлиб ўтган нуфузли фан олимпиадаларида ўзбекистонлик ёшларнинг билим ва салоҳиятига дунё жамоатчилиги, таълим соҳаси вакиллари яна бир бор тан берди.

Тантанали тадбирда халқаро фан олимпиадаларининг кўлаб ғолиб ва совриндорлари, уларнинг устозлари салмоқли пул мукофотлари билан тақдирланди.

Пойтахтимиздаги Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабининг ўқувчиси Далер Раҳимов ана шундай бахтли ёшлардан бири.

Жорий йилда кимё фанидан ўтказилган турли халқаро олимпиадаларда олтин медалга сазовор бўлган Далер 1 миллиард сўмдан зиёд миқдордаги махсус ваучер билан мукофотланди.

— Кимнинг билими кўпроқ, зехни ўткирроқ, ишончи мустақамроқ бўлса, албатта, у ғолиб бўлади, — дейди Далер Раҳимов. — Юртимизда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратилаётган шарт-шароитлар кучимизга куч қўшиб, ўзимизга ишончини оширяпти. Устозлардан ўзлаштирган билимларимиз, яқинларимизнинг кўлаб-қувватлови, меҳнатларимиз самараси бугун бизнинг совриндорлар қатаридан ўрин олишимизга замин бўлмоқда. Моддий ва маънавий рағбат бизга келгусида ҳам ўз салоҳиятимизни мунтазам оширишга, янги ютуқларга эришишимизга куч беради.

«Халқ сўзи».

тахқамлашга хисса қўшади. Бундан ташқари, Япониянинг радарли сунъий йўлдошлардан фойдаланган ҳолда табиий офатларни мониторинг қилиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш тажрибаси ва сейсмик барқарор қурилиш стандартлари ҳам юқори қизиқиш уйғотади.

Узоқ масофани
яқинлаштириш тадбири

Токионинг Марказий Осиёдаги дипломатик фаоллиги даражаси бир нечта сабабларга кўра, бошқа давлатларга нисбатан пастроқ бўлган. Энг аввало, географик узоқлик, бошқа томондан — Япониянинг бошқа ташқи сиёсат устуворликлари ҳамда яқин пайтгача минтақадаги кўлаб инвестициявий ва сиёсий хавфлар туфайли. Аммо Хитойнинг Марказий Осиёда, шу жумладан, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасидаги иқтисодий ва сиёсий фаоллиги Япония учун 2013 йилдан кейин минтақадаги ишларни фаоллаштиришга туртки бўлди.

Бу 2015 йил октябр ойида Япония ҳукумати раҳбари Синдзо Абэнинг Марказий Осиёнинг барча бешта давлати тарихидаги биринчи ташрифи чоғида яхши намоеъ бўлди. Ушанда Япония бизнеси Марказий Осиё давлатларидаги турли лойиҳаларга қарийб 18 млрд. доллар сармоа киритишни режалаштираётгани, шунда Япония аънавий равишда Хитой, Туркия, АҚШ, Европа Иттифоқи ва Асиё давлатлари билан муҳим савдо ҳамкорлиги айланиши айтилган эди.

Япония Марказий Осиё мамлакатлари ташқи сиёсатида умумий чегараларнинг йўқлиги ва катта масофа туфайли устувор давлат ҳисобланмайдми. Бирок Япония Марказий Осиё аҳолисининг кундалик ҳаётида мавжуд эмас, деб ҳам бўлмайди. Чунки у анчадан бери “юмшоқ куч” деб аталадиган усулдан фойдаланмоқда. Бу гуманитар лойиҳалар ҳамда техник ёрдам орқали намоеъ бўлади. Шу нуктаи назардан, Токиода ташкил-лаштирилаётган Марказий Осиё ва Япония саммити томонларнинг узоқ масофасини яқинлаштириш ҳамда умумий мақсадларни биргаликда амалга ошириш имконини беради.

Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор.

РЕКЛАМА

«Е-AUTOTECH» МЧЖ

тўғридан-тўғри
музокаралар олиб бориш йўли
билан ташкиллаштириладиган
авто, махсус транспорт,
ускуналар ва уларга бўлган
хуқуқлар бўйича
ўтказиладиган савдога таклиф
этади



E-AUTOTECH

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 15 апрелдаги 142-қарорига
асосан «O'zsanoatqurilishbank» АТБ
балансида бўлган:

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, “Гулбаҳор”
МФЙда жойлашган 35 турдаги текстиль дастгоҳлари
сотилади.

■ Сотиш шарти ва нархи билан
“www.e-autotech.uz” сайти орқали танишиш имконияти
бор.

■ Савдога қўйилган мулкларни бевосита
жойига чиқиб кўришингиз мумкин.

■ Савдода иштирок этиш учун талабгорлар
“e-autotech.uz” платформаси орқали ариза беришлари
керак.

Call марказ: +99855-517-22-20.
Расмий сайтимиз: www.e-autotech.uz

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси
ЎзАнинг Халқаро ахборот тахририяти етакчи муҳаррири
Муҳаррама ПИРМАТОВАНИНГ
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари
ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Пойтахтимиздаги «Ёшлар ижод саройи» мажмуасида «Саодат» журналининг 100 йиллигига бағишланган маърифий кеча бўлиб ўтди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган кўлабмақаллар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўтказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.42 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6